

ЖАҲОН ФАН ВА ТАЪЛИМИГА ОИД ОНЛАЙН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ



Дилфуза Боймирзаева,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Қўлёзмалар, нодир
ва алоҳида қимматга
эга нашрлар хизмати
етакчи мутахассиси

» **С**ўнги йилларда тез-тез жаҳон ахборот ресурслари атамасидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Хўш, жаҳон ахборот ресурслари атамаси нима?

Жаҳон ахборот ресурслари бу – жаҳоннинг етакчи компаниялари ва нашриётларининг илмий-таълимий электрон ресурслари бўлиб, улар фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларини ривожлантиришда катта ҳисса қўшади.

Лицензияли ахборот ресурслари – улар лицензия келишувлари асосидаги ахборот ресурслари бўлиб, фойдаланувчилар фақат муассаса локаль тармоғида илмий ва таълимий мақсадларда фойдаланишлари мумкин. Улардаги маълумотлардан тижорат мақсадида фойдаланиш таъқиқланади. Шунингдек, фойдаланувчилар лицензияга оид талабларга тўлиқ риоя қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олишади. Бугунги кунда Миллий кутубхонанинг локаль тармоғида 6 та лицензияли ахборот ресурсларидан фойдаланилмоқда. Улар: EBSCO Academic, EBSCO Audio, eLibrary, JSTOR, Library PressDisplay, ProQuestдан иборат.


Очиқ ахборот ресурслари бу – оммавий Интернет орқали бепул ҳавола бўлиб, фойдаланувчиларга маълумотларни ўқиш, юклаш,

нусха олиш, тарқатиш ва чоп этиш, қидириш ва иқтибос қилиш, индекслаш, маълумотларни узатиш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун рухсат беради. Бугунги кунда кутубхонада 33 та очиқ ахборот ресурсларидан фойдаланилади. Фойдаланувчилар ушбу очиқ ахборот ресурсларидан нафақат Миллий кутубхонадан, балки исталган манзилдан Интернет орқали фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

Фойдаланувчиларга илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашда янги имкониятларни очиб беради. Тақдим қилинаётган электрон ресурслар фан ва таълим тараққиётининг турли соҳаларини: тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, менежмент, социология, кутубхоначилик иши, стратегия, молиявий менежмент бошқарувлари каби соҳаларни ривожлантирмоқда. Улар қулай интерфейс ва мукамал қидирув тизимига эга бўлиб, IP адрес орқали чегараланмаган ҳолда бир вақтнинг ўзида бир қанча фойдаланувчилар учун кириш имконини беради.

Шунингдек, фойдаланувчилар хорижий илмий-таълимий онлайн ахборот ресурсларидан нафақат кутубхона ўқиш заллари компьютерларидан, балки унинг веб сайти www.natlib.uz орқали ҳам фойдаланишлари

Респондентларга
«Сиз хорижий
онлайн ахборот
ресурслари
тушунчасига
эгамисиз?» саволи
билан мурожаат
қилинди




мумкин. Шунингдек, ушбу илмий-таълимий онлайн маълумотлар базаларидан айнан ахборот-кутубхона ходимлари фаолиятига доир ресурсларни топиш, ундан фойдаланиш имкониятига эга. Улар: Cambridge JOURNALS, East View, EBSCO HOST, Emerald, JSTOR, Library and Archives Canada, ProQuest Royal Society Publishing, Springer Link, ProQuest ахборот компаниялари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Миллий кутубхона фойдаланувчиларининг босма ресурслар билан бир қаторда хорижий илмий-таълимий онлайн ахборот ресурсларидан фойдаланиши, ушбу ресурсларга бўлган эҳтиёж қай даражада эканлиги юзасидан социологик тадқиқот ўтказилди (апрел, 2015 йил). Фойдаланувчиларнинг бир кунлик қатнови 1600-2000 тани ташкил қилса, шундан 10% ни ҳисобга олган ҳолда, 160 та 15 ёшдан 51 ёшгача бўлган респондентларга анкета саволлари билан мурожаат қилинди.


Респондентлар ўқиш заллари компьютерларида келтирилган «Зарубежные электронные ресурсы» («Чет эл электрон ресурслари») деб номланган папкада етакчи жаҳон ахборот ишлаб чиқарувчи компаниялар: Oxford Art Online, Oxford Reference, Cambridge JOURNALS, eLIBRARY, Восточная Литература, ProQuestнинг ресурсларидан бошқа ахборот ресурсларига нисбатан кўпроқ фойдаланишини кўрсатди.

Миллий кутубхонага энг кўп ташриф буюрувчи фойдаланувчилар кўрсаткичи



Биз фойдаланувчиларнинг хорижий онлайн ахборот ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичини ўрганиб чиқдик. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 7% ўқувчилар бу ►

Хорижий онлайн ахборот ресурсларидан нисбатан кўпроқ фойдаланилган




Бугунги кунда кутубхонада 33 та очик ахборот ресурсларидан фойдаланилади. Фойдаланувчилар ушбу очик ахборот ресурсларидан нафақат Миллий кутубхонадан, балки Интернет орқали исталган манзилдан фойдаланишлари мумкин


Хорижий онлайн ахборот ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичи



Хорижий онлайн ахборот ресурсларидан фойдаланиш афзалликлари



Хорижий онлайн ахборот ресурсларидан фойдаланишда муаммолар кўрсаткичи



Хорижий онлайн ахборот ресурсларидан янада самарали фойдаланиш учун таклифлар кўрсаткичи

